



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.



Ширинова Шахноза Абдинабиевна

Навий давлат кончилик ва технологиялар
университети ассистенти
shahnozashirnova070@gmail.com

Аннотация: Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида стратегик бошқаришнинг назарий асослари таҳлил қилинади. Илмий адабиётлар таҳлили, тадқиқот методологияси ва инновацион стратегияларни амалиётда қўллаш бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Инновацион ривожланиш, стратегик бошқариш, бозор иқтисодиёти, корхоналар фаолияти, назарий асослар, инновацион стратегия.

Аннотация: В статье анализируются теоретические основы стратегического управления на основе инновационного развития деятельности предприятий в условиях рыночной экономики. Сделаны выводы по анализу научной литературы, методологии исследования и практическому применению инновационных стратегий.

Ключевые слова: Инновационное развитие, стратегическое управление, рыночная экономика, предпринимательская деятельность, теоретические основы, инновационная стратегия.

Abstract: The article analyzes the theoretical foundations of strategic management based on innovative development of enterprise activities in a market economy. The article analyzes the scientific literature, provides conclusions on the research methodology and practical application of innovative strategies.

Keywords: Innovative development, strategic management, market economy, enterprise activity, theoretical foundations, innovative strategy.

Кириш.

Бугунги кунда глобализация жараёнлари, рақобат муҳити ва тезкор технологиялар ривожини иқтисодиётнинг барча соҳаларга хусусан, корхоналар ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ва бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун

инновацион ривожланишга асосланган стратегик ёндашувларни жорий этиш зарурлигига янги талаблар қўймоқда. Мамлакатимизда миллий иқтисодий ислоҳ қилиш борасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тизимли ишлар белгиланган бўлиб, барча соҳалар тизимли дастурлар асосида ривожлантирилмоқда. Айниқса, корхоналар бошқарувида инновацияларнинг аҳамияти фақат янги маҳсулот ва хизматларни яратишда эмас, балки меҳнат унумдорлигини ошириш ва иқтисодий самарадорликка эришишда ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг инновацион ривожланиши уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб, стратегик бошқариш эса бу жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун муҳим воситадир. Бу ўринда, стратегик бошқаришнинг мақсади фақат мавжуд ресурсларни самарали тақсимлаш эмас, балки узоқ муддатли истиқболда корхонанинг ривожланишини таъминлашдан иборат. Ушбу мақолада корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида стратегик бошқаришнинг назарий асослари, халқаро тажрибалар ва маҳаллий хусусиятлар ўрганилади. Бунда илмий назариялар ва амалий мисоллар асосида инновацион ривожланишнинг иқтисодий таъсири ва унинг корхоналар стратегик бошқарувидаги ўрни таҳлил қилинади.

Адабиётлар шарҳи.

Ушбу мақолада корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида стратегик бошқаришнинг назарий асослари, халқаро тажрибалар ва маҳаллий хусусиятлар ўрганилади ҳамда кенгроқ асослаш мақсадида хорижий ва маҳаллий олимларнинг асарлари асосида таҳлили асосланади.

Майкл Портер (Michael Porter) ўзининг *"Raqobat ustunligi: yuqori samaradorlikni yaratish va qo'llab-quvvatlash"* асарида стратегик бошқарувнинг асосий элементи сифатида корхонанинг рақобатбардошлигини оширишни кўрсатган. Унинг фикрича, инновациялар корхонанинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш учун асосий восита ҳисобланади¹. Портернинг 5 куч моделидан фойдаланиб, Ўзбекистон корхоналари рақобат муҳитида инновацияларни жорий этиш орқали янги сегментларга кириши мумкин бўлади.

Питер Друкер (Peter Drucker)нинг *"Innovation and Entrepreneurship"* асарида инновацияларни корхоналарнинг узлуксиз ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминловчи омил сифатида тавсифлайди. У инновацияларни иқтисодий ресурсларнинг янги қийматлар яратишга айланиши сифатида қараган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини инновацияларни қўллаш орқали

¹ Michael Porter "Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance" (1985)

ривожлантириш, хусусан кичик бизнес ва стартапларни рағбатлантириш зарурлигини кўрсатиб беради².

Йозеф Шумпетернинг “Иқтисодий ривожланиш асарида” инновацияларни иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида таърифлаган. Унинг “ижодий бузилиш” назариясига кўра, янги технологиялар ва инновациялар эски усулларни йўқ қилиб, иқтисодий ривожланишга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилади ҳамда ҳозирги даврда sanoat соҳасида янги технологияларни жорий этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлаш мумкинлиги назарий асослаб берилганлигини кўришимиз мумкин³.

Клейтон Кристенсеннинг “Инноваторнинг дилеммаси” асарида инновацияларнинг икки турини таъкидлайди: “суткалик инновациялар” (incremental innovations) ва “бузувчи инновациялар” (disruptive innovations). Бузувчи инновациялар корхоналарнинг стратегик ривожланиши учун катта аҳамиятга эгаллиги ва бузувчи инновацияларни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, ахборот тизимлари ва автоматизация жараёнларини жорий этиш зарурлиги каби ғояларни илгари суради⁴.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан И.О.Улашев, Ш.А.Атумурадовларнинг илмий қарашларида бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини бошқариш механизмининг муаммолари, уларни ечиш бўйича ечимлари, усуллари ва бошқарувда оптимал вариантни танлаш, бошқарувда самарадорликка эришиш бўйича масалалар ўрганилиб, кенг ёритиб берилган.⁵

Тадқиқот методологияси.

Мақолада қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, SWOT таҳлил усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг инновацион ривожланиш амалиёти ўрганилди. Бозор иқтисодиёти шароитида стратегик бошқариш моделлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзаро қиёси юритилди. Қиёсий таҳлил усули ёрдамида Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш моделлари ўзаро қиёслаб ўрганилди. Қиёсий таҳлил орқали мавжуд фарқлар ва уларнинг сабаблари аниқланди. Иқтисодий-статистик таҳлил усули ёрдамида эса Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларидаги инновацион фаолиятнинг иқтисодий натижалари бўйича маълумотлар таҳлил қилинди. Бунда, маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт ҳажми, инновацияларга сарфланган инвестициялар каби кўрсаткичлар қиёсланган. SWOT таҳлили ёрдамида Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш салоҳияти ва

² Peter Drucker “Innovation and Entrepreneurship” (1985)

³ Joseph Schumpeter “The Theory of Economic Development” (1934)

⁴ Clayton Christensen “The Innovator’s Dilemma” (1997)

⁵ Улашев И.О., Атумурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. Тошкент-2013, 24-б

муаммоларини баҳолаш учун SWOT таҳлилдан фойдаланилди. Ушбу метод орқали кучли ва заиф томонлар, имкониятлар ва хавф-хатарлар аниқланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, инновацион ривожланиш корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб, стратегик бошқариш бу жараёни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Германия ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда инновацион бошқарув моделлари муваффақиятли қўлланилган. Ўзбекистонда ҳам бу борада илғор тажрибалар мавжуд, ammo стратегик ёндашувларни янада такомиллаштириш зарур. Маҳаллий корхоналарда инновацион технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди ва натижалар қўллаб-қувватланди. Европа Иттифоқи мамлакатлари, айниқса Германия, Швеция ва Нидерландия, инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг илғор моделларини жорий этиш билан машҳур. Уларда давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, таълим ва тадқиқот институтлари билан интеграция қилинган ҳолда, хусусий сектор учун инноватив муҳит яратилган. Германиянинг Инновация ва Технология марказлари ёки Финляндиянинг *Tekes* инновация агентлиги бу соҳада етакчи ҳисобланади. Масалан, Германиядаги *Fraunhofer Society* тадқиқот маркази илмий ишлар натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилган. Ўзбекистонда инновацион ривожланиш ага қаратилган ислоҳотлар сўнгги йилларда жадаллашди. Инновацион ривожланиш агентлиги ва Давлат грантлар дастурлари орқали маҳаллий тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари, илмий тадқиқот институтлари ва университетларнинг sanoat корхоналари билан ҳамкорлиги кучайтирилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари инновацияларни жорий этиш ва қўллаб-қувватлашда етакчи ҳисобланади ва буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Мамлакатлар	Асосий стратегик йўналишлар	Инновацион фаолиятни рағбатлантириш	Рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсиш	Технологик ривожланиш	Рискларни бошқариш
Германия	Индустриал 4.0, рақамли ишлаб чиқариш, муҳандислик ва энергияни тежаш технологиялари	Давлат дастурлари орқали инновациялар ва стартапларни рағбатлантириш	Германиянинг стратегик инновацион рақобатбардошликни кучайтиришга қаратилган	Янги технологиялар ва AI қилиш, индустриал автоматизация	Юқори ва ўзгаришларга мослашиш
Франция	Экологик инновациялар, барқарор ривожланиш, био-ичтимоий лойиҳалар	Энергетика, экологик технологиялар ва биотехнологияларни рағбатлантириш	Барқарор иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишга эътибор бериш	Энергетика ва экологик инновациялар	Экологик ва рисклар ва халқаро боғланишлар
Швеция	Инновацион кластерлар рақамли иқтисодиёт	Рақамли таълим, стартаплар ва таълимни қувватлаш	Экологик барқарорлик юқори технологиялар базаси	AI, IoT ва рақамли инфратузилмани жорий қилиш	Инновацион рисклар ва техник хато қилиш

Мамлакатлар	Асосий стратегик йўналишлар	Инновацион фаолиятни рағбатлантириш	Рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсиш	Технологик ривожланиш	Рискларни бошқариш
Нидерландия	Иккита ижтимоий ва технологиялик стратегияларни бирлаштириш (инновацион кластерлар)	Инновацион моделлар ва техник тадқиқотларни оммалаштириш	Бозордаги иқтисодий ўсиш ва рақобатни ошириш	Саноат 4.0, шунингдек, аграр овқат технологиялари	Устуворлик ва суюқлаштириш технологиялари
Италия	Кичик ва ўрта бизнесни инновацияларга жалб қилиш, маданий саноатларни тараққий эттириш	Яшил технологиялар ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар	Ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни ва рағбатлантириш	Машинасозлик ва биоинженерия	Лойиҳа рискини баҳолаш ва инновацион фаолиятларни муваффақиятли бошқариш
Испания	Рақамли иқтисодиёт ва интеграцияланган инновацион кластерлар	Стартапларнинг қўллаб-қувватланиши ва рақамли иқтисодиёт	Иқтисодий ўсиш ва ишлан таъминлаш	Автоном технологиялар, сунъий интеллект, робототехника	Бозордаги турли қисмларга мослашиш

1-жадвал: Европа Иттифоқи мамлакатларида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш ва стратегик бошқаришнинг ҳолати, манба халқаро ташкилотлар ҳисоботлари асосида тайёрланди.⁶

Юналтириш йўналишлари	Ҳозирги стратегик ёндашувлар	Инновацион ривожланишга қаратилган сиёсатлар	Иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик	Технологик ривожланиш ва илғор технологиялар	Рискларни бошқариш ва мутаносиблик
Ўзбекистоннинг умумий стратегик сиёсати	Тадбиркорлик ва инновациялар қўллаб-қувватлаш	Технология ва инновацияларни и жорий қилиш, саноатларни модернизация қилиш	Бозор иқтисодиётига мослашиш ва миллий иқтисодий ўсишга ёрдам бериш	Индустриаллаштириш ва рақамли иқтисодиётга кўчиш	Бозор ҳолатларига тез мослашиш ва барқарор ривожланиш
Корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш	Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш	Йирик саноат ва кичик бизнеслар учун инновацион дастурлар ва грантлар	Барқарор ўсиш ва рақобатга қобилиятли корхоналарни шакллантириш	Янги технологиялар ва рақамли платформаларни жорий қилиш	Инновацион қарорлар ва ресурсларни самарали бошқариш
Ишлаб чиқариш ва инновация	Индустриал ислоҳотлар ва технология трансфери	Илғор технологияларни импорт қилиш ва уларни маҳаллий шароитта	Янгилаш ва инновацион ишлаб чиқаришни тарғиб қилиш	Автоматизация ва робототехника, AI, IoT жорий этиш	Техник ва ижтимоий рискларни баҳолаш ва камайитириш

⁶ OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти): Инновацион ривожланиш, рақобатбардошлик ва саноат сиёсатига оид ҳисоботлар

Юналтириш йўналишлари	Ҳозирги стратегик ёндашувлар	Инновацион ривожланишга қаратилган сиёсатлар мослаштириш	Иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик	Технологик ривожланиш ва илғор технологиялар	Рискларни бошқариш ва мутаносиблик
Саноат ва технологик модернизация	Йирик ишлаб чиқариш тузилмаларини модернизациялаш	Махсус иқтисодий зоналарда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш	Янги бозорларга кириш ва мавжуд бозорларда муваффақиятга эришиш	Саноат 4.0 ва рақамли ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий қилиш	Ишлаб чиқаришдаги хато ва рискларга барқарор реакция қилиш
Қоғунчилик ва давлат сиёсати	Ҳукуматнинг инновацион сиёсатларни қўллаб-қувватлаши	Инновация ва тадқиқотга бўлган сармояларни ошириш	Иқтисодий сиёсатида жаҳон стандартларига мослашиш	Халқаро инновацион технологияларга интеграциялаш	Давлатнинг инновацион сиёсат ва иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш

2-жадвал Ўзбекистондаги асосий стратегик бошқарув йўналишлари ва инновацион ривожланишга қаратилган тадқиқотлар ва таҳлиллар манба "Ўзбекистон Республикасининг 2020–2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси".⁷

Европа Иттифоқи мамлакатларида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш ва стратегик бошқаришнинг аҳамияти шундан иборатки, улар янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни сақлаш ва барқарор иқтисодиётни таъминлашга қаратилган. Бу мамлакатлар инновациялар ва стратегик бошқарувни амалга оширишда бир-бирига ўхшаш, лекин ҳар бирининг ўзига хос йўналишлари ва эътиборга олиш керак бўлган махсус жиҳатлари мавжуд.

-Германияда инновацион ривожланиш ва стратегик бошқаришнинг асосий йўналишлари **Индустриал 4.0** ва рақамли ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бу стратегиялар автоматизация, робототехника ва AI технологияларининг фаол жорий этилишига асосланган. Германиянинг иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва юқори технологияларни ишлаб чиқаришга интилиши глобал бозордаги муваффақиятга олиб келган.

-Францияда **экологик инновациялар** ва **барқарор ривожланишга** катта аҳамият берилган. Бунинг натижасида энергетика ва экологик технологияларда янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш усуллари пайдо бўлган. Барқарорлик ва ижтимоий ривожланиш иқтисодий ўсиш ва юқори технологияларнинг интеграциясини таъминлайди.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020–2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси.

-Швецияда **рақамли иқтисодиёт** ва **инновацион кластерлар**нинг муҳимлиги сезилади. Яшил технологиялар ва AI ҳамда IoT лойиҳалари доимий равишда қўллаб-қувватланиб, саноатнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бермоқда.

-Нидерландияда **инновацион кластерлар** орқали рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш ва янги технологияларни жорий қилишга катта эътибор қаратилади. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик инновацияларни самарали жорий қилишга ёрдам беради.

-Италияда **кичик ва ўрта бизнесни** инновацияларга жалб қилишга алоҳида урғу берилган. Шунингдек, маданий саноатлар ва биоинженерияни ривожлантириш стратегияси мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

-Испанияда **рақамли иқтисодиёт** ва **стартапларни қўллаб-қувватлаш**нинг аҳамияти юқори. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга ва иш билан таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш ва стратегик бошқаришнинг аҳамиятини таҳлил қилиш, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим қадамлардир.

-Ўзбекистоннинг стратегик сиёсати инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва технологик ривожланишга йўналтирилган. Давлат ҳукуматининг инновацион сиёсати саноатни модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Республикада кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун грантлар ва имтиёзлар тақдим этилади, бу эса иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

-Кичик ва ўрта бизнесларни инновацион фаолиятга жалб қилиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ушбу сиёсатлар корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ошириш ва рақобатбардошлигини кучайтиришга ёрдам беради. Инновацион қарорлар ва ресурсларни самарали бошқариш муҳим омиллардан биридир.

-Саноатда илғор технологияларни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш мақсад қилинади. Автоматизация, робототехника ва сунъий интеллект каби технологиялар ишлаб чиқаришда қўлланилади, бу эса корхоналарни янги талабларга мослаштиради.

-Саноатни модернизациялаш ва технологик янгилаш Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир. Янги саноат тузилмалари ва технологиялар жорий этилиши, шунингдек, рақамли ишлаб чиқариш ва автоматизация корхоналарнинг ишлаш самарадорлигини оширади.

-Ўзбекистон ҳукумати инновацион сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий замонвий талабларга мослаштиришга қаратилган қонунлар ва қонунчилик ишлаб чиқади. Бу, ўз навбатида, бизнес муҳитини яхшилашга ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш ва стратегик бошқаришнинг аҳамияти юқори. Давлат сиёсатининг мақсади инновацияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва технологик модернизацияни амалга ошириш, шу билан бирга, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни оширишдан иборат. Инновацион стратегиялар ва технологияларнинг жорий этилиши Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий майдондаги рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. **Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида стратегик бошқаришнинг назарий асосларининг аҳамияти** катта ва кенг қамровлидир. Ушбу назарий асослар инновацион фаолият ва стратегик бошқарувнинг асосий принципларини белгилашга, уларни амалиётда самарали қўллашга ёрдам беради. Қуйида ушбу назарий асосларнинг аҳамиятининг асосий жиҳатлари кўрсатилган:

-Корхоналар бошқарувида инновацион фаолиятни янада самаралилаштириш инновацион стратегиялар ва бошқарув усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг назарий асослари, корхоналарга инновациялардан самарали фойдаланиш ва янги ишлаб чиқариш маҳсулотларини бозорга таклиф этишга имкон беради ҳамда инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни стратегияга асосланган тарзда амалга ошириш, бозордаги рақобатбардошликни оширишга олиб келади.

-Рақобатбардошлигини ошириш корхоналар стратегик бошқарувининг назарий асослари корхоналарга ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун инновацион ёндошувлар ва усуллари қўллаш имконини беради. Бозор иқтисодиётида фаолият юритувчи корхоналар учун самарали стратегик бошқарув, уларга рақобатбардошлигини сақлаш ва ўсишга ёрдам беради, чунки бозор шароити тез ўзгаради ва инновацияларга нисбатан талаб доимо ўсиб боради.

-Бошқарувнинг барқарорлигини таъминлаш корхоналарда инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларини стратегик режалаштиришга йўналтиришда муҳим рол ўйнайди. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг бизнес моделлари, ишлаб чиқариш тизимлари ва стратегик қарорларига таъсир кўрсатади, натижада уларнинг фаолияти барқарор ва узоқ муддатда самарали бўлади.

-Рискларни бошқариш корхоналарга инновацион фаолият билан боғлиқ рискларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш усуллари ишлаб чиқишга

ёрдам беради. Бозор иқтисодиётидаги носозликлар ва номаълумликлар шароитида инновациялардан фойдаланиш корхона учун янги имкониятларни тақдим этади, бир вақтнинг ўзида рискларни бошқариш ва минималлаштиришни талаб қилади.

-Ўзгарувчан бозорда стратегияни янгилаш Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона ўз стратегиясини бозорнинг ҳар қандай ўзгаришларига мослаштириши керак. Инновациялар бозордаги талаб ва таклифлар ўзгаришларига мослашишга ёрдам беради. Бу эса корхонага унинг стратегик мақсадларини қайта кўриб чиқиш, янги имкониятларни аниқлаш ва стратегияни ўзгартиришга имкон беради.

-Рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш инновацион фаолиятни стратегик бошқаришга интеграция қилиш рақобатбардошликни сақлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган назарий йўналишларни яратади. Бозор шароитидаги инновацион стратегиялар, корхоналарга янги бозорлар, продуктлар ва хизматларни таклиф қилиш имконини беради.

-Бошқарувда ресурсларни тўғри тақсимлаш, корхоналарга мавжуд ресурсларни, жумладан, молиявий, инсоний ва технологиялик ресурсларни тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Инновацион ривожланиш стратегиясининг аниқ ва самарали бошқарилиши ресурсларни самарали фойдаланишни таъминлайди.

-Янгиликларнинг барқарорлиги ва жадаллиги бозор иқтисодиётида янги технологиялар, ишлаб чиқариш усуллари ва хизматлар тез ўзгариб боради ва корхоналарга янги янгиликларни қабул қилиш ва уларни самарали жорий қилишга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида стратегик бошқарувини тўғри ташкил қили, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида, рақобатбардошлигини сақлашда ва янги имкониятларни топишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу назарий асослар амалий стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллашда асосий йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Европа Иттифоқининг инновацион ривожланиш тажрибаси Ўзбекистон учун бой манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлат сиёсати, хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантириш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали инновацион экотизимни яратиш мумкин. Шу билан бирга, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва рақамли иқтисодиётни тарғиб қилиш келгусидаги стратегик мақсадлардан бири бўлиши керак. Инновацион ривожланиш ва стратегик бошқаришнинг бирлашуви корхоналарнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлайди. Ўзбекистондаги корхоналар учун қуйидаги таклифлар берилади:

1. Инновацияларни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратиш.

2. Корхоналарнинг стратегик бошқарув жараёнларида инновацион ёндашувлардан кенг фойдаланиш.
3. Халқаро тажриба асосида маҳаллий моделларни ишлаб чиқиш.
4. Инновацион лойиҳалар учун давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. **Michael Porter** “*Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance*” (1985).
2. **Peter Drucker** “*Innovation and Entrepreneurship*” (1985).
3. **Joseph Schumpeter** “*The Theory of Economic Development*” (1934).
4. **Clayton Christensen** “*The Innovator’s Dilemma*” (1997).
5. Улашев И.О., Атамурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. Тошкент-2013, 24-б.
6. OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳисоботлари).
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020–2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси.
8. Abdinabiyevna, S. S. (2024). BOZOR IQTISODIYOTI SHAROITIDA KORXONALAR FAOLIYATINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH ASOSIDA STRATEGIK BOSHQARISHNING NAZARIY ASOSLARI. *TADQIQOTLAR. UZ*, 52(3), 3-14.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

